

также самой молодёжи, в просвещении которых важную роль играют, как педагоги учебных заведений, так и молодёжные лидеры по вопросам духовности и просвещения. При этом, деятельность маслахатчи должна осуществляться посредством сотрудничества с различными заинтересованными и ответственными организациями, включая органы внутренних дел.

Для расширения знаний по информационной безопасности у ёшлар етакчиси необходимо проводить для них семинары-тренинги, лекции, размещать информацию в специализированных СМИ о методах работы, последних тенденциях развития проблематики ИБ, повышать их компетенции по использованию новых технических и информационных средств связи, таких как мобильные телефоны, компьютеры, планшеты, плееры, спутниковое телевидение, интернет и другие. Особое внимание следует уделить разработке специализированных сайтов для молодёжных лидеров, где они могли бы найти информацию: о возрастных особенностях детей; по психолого-педагогическим аспектам воспитания в духе национальных традиций и общечеловеческих ценностей; о методах работы с родителями и молодёжью по обеспечению информационной безопасности; о влиянии информации на семью, на сохранение стабильности мира в стране; об эффективных способах организации досуга и других.

Использованная литература:

1. Мирзажонова Э. Т. АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ДИАГНОСТИКИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ //VIII Махмутовские чтения. Интеграция региональной системы профессионального образования в европейское пространство. – 2021. – С. 301-306.
2. Abdukadirova, L. Y., & Mirzajonova, E. T. (2021). The importance of reading competencies in the context of the “industry 4.0” industrial revolution. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 205-210.
3. ET Mirzajonova. О ‘SMIR YOSHDAGI О ‘QUVCHILARDA AXBOROTDAN FOYDALANISH MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING ILMIY NAZARIY ASOSLARI // Finland International Scientific Journal of Education ..., 2023 <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=18340510467679194562&btnI=1&hl=ru>
4. ET Mirzajonova, HI Toshmamat o'g'li. TALABALARNI VATANPARVARLIK TARBIYASI JAMIYAT HAYOTIYLIGINING AXLOQIY ASOSI SIFATIDA // IJODKOR O'QITUVCHI 2 (20), 82-85
5. ET Mirzajonova, OR Parpiyeva. Modern special preschool education: problems and solutions // Journal of Pedagogical Inventions and Practices 9, 100-106

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ БИЛАН ЎҚУВЧИЛАРИ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ибодуллаева И.Н, Ажиниёз номидаги НДПИ докторанти,
Қорақалпоғистон Республикаси**

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий мактаб ўқитувчиси билан ўқувчилари ўзаро муносабатларининг психологик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: замонавий мактаб ўқитувчиси, муносабат, психологик хусусиятлар, ўспиринлик даври, ўқитувчи психологик портрети.

Жаҳондаги барча мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланиши-нинг замонавий шароитида хизмат коллективларида шахслараро муносабатларга таъсир кўрсатишнинг норасмий дастакларининг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шу муносабат билан етакчилик ҳодисасини ўрганиш фуқаролик жамиятининг турли соҳаларида айниқса, долзарблик касб этмоқда.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг умумий ўрта таълим тизимида илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ равишда сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бунда ўқитувчининг ширинсуханлиги мужассамлашган нотиқлик санъати ҳамда актёрлик қобилиятини намоён қила олишини алоҳида эътироф этиш керак. Ўқитувчи актёрдек тайёр текстни ёд олмайди, бироқ у ҳар гал такрорланмас вазиятда ижод қилади. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчидан фикрларни, педагогик қобилият техникасини, ижодкорликни талаб қилади. Ўқитувчининг имо-ишоралари ва юз ҳаракатлари сўз билан оғзаки таъсир қилишни кучайтиради. Юз ҳаракатлари ва имо-ишоралар нутқда овознинг баланд-пастлиги билан мос келиши керак. Огоҳлантирувчи сўзлар, нотиқлик санъати асосида таъсир этиш, вазифани ижро этишга www.ziyouz.com kutubxonasi ундовчи буйруқлар, таъҳиқланган ибораларни ишлатмаслт, ҳазил орқали фикрини англатиши, ўқувчининг эркин мулоҳазаларини маъқуллаш ёки ножўя ҳаракатлари учун айблаш сўзнинг оғзаки таъсир этувчи компонентларидир. Сўз билан имо-ишоранинг ва юз ҳаракатларининг бирлиги маълум қилинаётган ахборот ҳажмдорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириши лозим. Ҳозирги даврда ўқитувчи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабатларда сўз билан оғзаки таъсир этиш ниҳоятда хилма хил бўлиб, бевосита педагогик таъсир кўрсатишнинг нисбатан мустақил кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Билиш, англаш, экспрессив (ҳис-туйғуга берилиш ҳолати), ижтимоий анъанавий мулоқот, инсон ҳолатини сўзсиз тушуниш, дилкашлик ўқитувчининг педагогик фаолиятида учрайдиган доимий такрорланиб турадиган коммуникатив муносабатларнинг турларидир.

Сўзлашганда одоб ва эҳтиром ўқитувчининг педагогик маҳоратида учрайдиган муҳим инсоний фазилати сифатида намоён бўлади. Хушмуомалалик - ўқитувчи-тарбиячининг синфда индивидуал иш олиб бориш жараёнида оналар ҳамда ўқувчилар билан мулоқотни аниқ бир тарбиявий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил эта олиши ва таълимтарбиявий фаолиятни тўғри бошқара билишидир. Ўқитувчи педагогик фаолиятига оид шахсий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро фикр алмашиш ва алоқадорликка доир қуйидагиларни тавсия этиш мумкин. Ўқитувчи касбий фаолияти давомида нутқидаги сўз қудратини такомиллаштириб боради. У ўзбек тилининг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали сўз бойлигини гўзал, равон, ифодали, таъсирчан бўлишига интилади. Зеро, гўзал ва таъсирчан сўзлай билиш ҳам санъат. Бу санъатдан бебаҳра бўлган ўқитувчининг касбий маҳорати шаклланмайди. Қайси фанни ўқитишдан қатъий назар, ўқитувчининг асосий қуроли сўз бойлигидир, у сўз қудрати асосида коммуникатив қобилиятини намоёйиш этади. Ўз она тилида пухта, лўнда ва жарангдор сўзлар туза олиш ва уни нутқий маҳорат билан

ифодалаш таълим муассасаларида ўрганилаётган ҳар бир фан ўқитувчиси учун энг зарур коммуникатив қобилиятларидан биридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг сўзлаган нутқларида «Бугунги замон талаби эртанги мамлакатимизнинг ташвишлари биздан халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тоқазо этмоқда. Кечаги замон руҳида таълим-тарбия кўрган кишининг онгу-шуурини янгиламай, мустақил тараққиётга мос таълим тизимини йўлга қўймай туриб, янги иморат, ҳуқуқий демократик давлат биносини тиклаб бўлмайди».

Замонавий таълимда бугунги кун талаблари тамоман ўзгача – деб мамлакат раҳбари таъкидлаганидек - Демократик жамиятда болалар умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Бинобарин таълим тизими ҳам шунга мувофиқ бўлиши зарур. Зеро, ҳар бир фарзанд, ҳар бир ўғил-қизнинг камолоти мактабда олинadиган билимлари ва соғлом муҳитда яратилган муносабатлар ва кўникмаларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Ғ. Психология методологияси. – Тошкент: Ношир, 2013.
2. Ғозиев Э.Ғ. Педагогик психология. – Тошкент: Ношир, 2014.
3. Рухиева Х. Олий таълим психологияси. – Тошкент: ТДИУ, 2014.

PSIXOLOGIYADA MOTIVATSIYA MUAMMOSIGA YONDASHUVLAR

**Miliyeva M.G. O'zDJTU, Pedagogika va psixologiya
kafedrasi katta o'qituvchisi, O'zbekiston**

Motivatsiya muammosi psixologiyaning asosiy muammolaridan biridir. Shaxsning motivatsiyasini hisobga olmasdan o'rganish mumkin emas, chunki bu shaxsning xulq-atvoriga, uning hayotning barcha sohalariga bo'lgan munosabatiga, ta'lim, kasbiy va tashkiliy faoliyat jarayonida boshqa odamlar bilan munosabatlariga hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi. Ta'lim va kasbiy faoliyatni rag'batlantirish alohida ahamiyatga ega.

Psixologiyada motivning ko'plab ta'riflari mavjud va motivlarga ko'pincha turli xil hissiyotlar, qiziqishlar, obyektiv haqiqat obyektlari va boshqalar kiradi. Ko'p nuqtayi nazarlar uchun umumiy narsa motiv va ehtiyoj o'rtasidagi bog'liqlikni tan olishdir. A.N.Leontevning fikricha, ehtiyojning o'zi maqsadli faoliyatni keltirib chiqara olmaydi, u faoliyat ichki shartlarining dastlabki sharti hisoblanadi. Ehtiyoj birinchi qondirishdan oldin o'z predmetini "bilmaydi", uni hali aniqlashi kerak. Faqat ana shunday aniqlash natijasida ehtiyoj o'zining predmetliligiga ega bo'ladi, idrok etilayotgan, ifodalangan, aqliy predmet esa funktsiyaning turtki beruvchi va yo'naltiruvchi faoliyatiga ega bo'ladi, ya'ni "motiv"ga aylanadi (A.N. Leontiyev, 1983). Hamma mualliflar ham bu fikrga qo'shilmaydi. Psixologik va pedagogik adabiyotlardagi mavjud nuqtayi nazarlarni tahlil qilishda, asosan uchta toifaga bo'lish imkonini beradi, ba'zi mualliflar motivlarga faqat ong hodisalarini, boshqalari – ob'yektiv voqelik obyektlarini, uchinchilari esa ikkalasini ham bog'laydilar.

Shunday qilib, V. I. Selivanov "motivlar bu ongli motivlardir. Faoliyatning motivlari istaklar, hissiyotlar, qiziqishlar va ongning boshqa hodisalari bo'lishi mumkin". B. I. Dodonovning so'zlariga ko'ra, agar ehtiyoj obyekti shunday deb aniqlansa, yoki bu maqsadni belgilash harakatiga sabab bo'lsa, motiv haqida gapirish mumkin (B. I. Dodonov, 1984, bet-126). L.I. Bojovich bu ta'rifga e'tiroz bildiradi. Ehtiyoj obyektni motiv sifatida rad etmaydi, lekin bu ta'rifni yagona to'g'ri deb tan olmaydi. L.I. Bojovich